



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КЕКСАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МОДДИЙ ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда 100 ёшга тўлган ва ундан ошган шахсларга муносиб эътибор қаратиш, шунингдек, пенсионерлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида:

1. 2015 йилнинг 1 майдан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди устама тўлаш белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига ҳар ойда тўланадиган устама Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2. 2015 йилнинг 1 майдан уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича энг кам иш ҳақининг табақалаштирилган миқдориди ҳар ойда компенсация пул тўловлари бериладиган шахслар имтиёзли тоифаларининг янги рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2015 йил давомида 75 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролардан тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисобланиши, шунингдек, қонунчиликда қўзда тутилган имтиёзларнинг қўлланилиши тўғрисидаги текшириш натижаларига қўра аниқланган ортқича тўланган пенсия ва нафақалар миқдори ҳисобдан чиқарилсин.

4. 2015 йилнинг 1 майдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2- ва 3-иловаларга мувофиқ тузатишлар киритилсин ва ўз кучини йўқотган, деб топилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар киритилсин; идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 14 апрель

ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Роберт Фудерич ЎЗА муҳрига юртимизда соғлом авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор самаралари, Ўзбекистон ва ЮНИСЕФ ҳамкорлигида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар хусусида гапириб берди:

РОБЕРТ ФУДЕРИЧ:

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ЭНГ КАТТА БОЙЛИК СИФАТИДА ҚАДРЛАНАДИ

– Ўзбекистонда болалар энг катта бойлик сифатида қадрланади. Соғлом авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясини қабул қилганидан бир кун ўтиб – 1992 йил 9 декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилганида ҳам чуқур раъзий маъно бор.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларни мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш, касалликлар профилактикаси, болалар спортини ва таълим-тарбиясини янада ривожлан-

тириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани қувонарлидир.

Ўзбекистон билан ЮНИСЕФ ўртасида имзоланган 2010-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига мувофиқ ташкилотимиз она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, тўғри овқатланишни тарғиб этиш, ОИВнинг олдини олиш, мактабгача таълим ва мактаб таълими сифатини янада оширишга ҳисса қўшмоқда. «Соғлом бола йили» Давлат дастурига амалга оширилган ҳамда фуқароларнинг ҳаётини янада яхшироқ этди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ



«Ташаббус – 2015»

ИЛҒОР ТАДБИРКОРЛАР БАҲСИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда хунарамандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани сир эмас. Соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш ҳамда янги марралар сари илҳомлантириш мақсадида турли кўргазмалар ва танловлар ташкил этиб келинмоқда.

Улардан бири давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловидир.

Ҳозирда юртимизнинг барча жойларида бўлган каби пойтахтимизда ҳам ушбу кўрик-танловнинг туман босқичлари ўтказилмоқда.

Кеча Бектемир туманидаги «Астроход» тантаналар уйида худди шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда йил якунига қўйиб қўрсаткичларга эришган, янги иш ўринларини ташкил қилишда фаоллик кўрсатган, ишлаб чиқараётган маҳсулотни ҳажмини янада кўпайтиришга эришган ҳамда барча солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаган тадбиркорлар ва хунарамандлар иштирок этди.

Мазкур кўрик-танлов ҳудудларда тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, мам-

лакат иқтисодиётида хусусий секторнинг улушини ошириш, шу билан бирга илғор тадбиркорлар тажрибасини оммалаштириш ва улар орасида ўзаро тажриба алмашишга хизмат қилади.

– Жорий йилги танлов тадбиркор ва хунарамандларимизнинг фаоллиги, маҳсулотларнинг кенг турдалиги ҳамда сифатлиги билан ўтган йилгиларидан фарқ қилади, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси мутахассиси Музаффар Қосимов. – Жорий йилда ёши улуг тадбиркорларни ҳамда ёш хунарамандларни рағбатлантириш мақсадида «Энг ёши улуг тадбиркор» ва «Энг ёш хунараманд» номинациялари жорий этилган. Иштирокчиларнинг ҳар бири голиблик учун даъвогарлик қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март кuni бўлиб ўтган сайловда Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан:

Австрия Республикасининг Федерал президенти – **Ҳайнц Фишер**

Исроил Давлати Президенти – **Реувен Ривлин**

Афғонистон Ислам Республикаси ҳукумати Ижроия кенгаши раиси – **Абдулла Абдулла**

Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси – **Таро Асо**

Ислам тараққиёт банки президенти – **доктор Аҳмад Мухаммад Али**

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби – **Шамил Алескерев**

Европа халқаро муносабатлар институти президенти – **Ирнерио Семинаторе**

«НЭК Корпорейшн» раиси – **Каору Яно**

«Самсунг Инжиниринг» компанияси президенти ва бош ижрочи директори – **Пак Чун Хи**

«Хюндай Инжиниринг» компанияси президенти ва бош ижрочи директори – **Ким Ви Чул**

«Лотте Кемикал Корпорейшн» компанияси президенти ва бош ижрочи директори – **Хо Со Ёнг**

«Лотте Хотелз энд Ресортс» компанияси президенти ва бош ижрочи директори – **Сонг Ёнг Док**

«Шиндонг Энерком» компанияси раиси, «Корея – Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси – **Ким Юн Сук**

«Папенбург» компанияси раҳбари – **Гюнтер Папенбург**

«Трушлер» компанияси раҳбари – **Ҳайнрих Трушлер**

табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Жасорат, бурч, матонат

ТИНЧЛИК — ОЛИЙ НЕЪМАТ

9 май – Хотира ва қадрлаш кuni арафасида мамлакатимиздаги барча таълим масканларида Тинчлик дарси бўлиб ўтади.

...Хар кuni юртдошларимиз хотиржамлик, шукроналик билан тонгни кутиб олади. Кичкинтойлар боғчага, ёшлар билим масканларига, катталар ишга отланади. Нурунийлар юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўқчилик, фарохбаш ҳаёт бардавом бўлишини сўраб, дуога қўл очади...

Биз кундалик ҳаётда ўрганиб, кўникиб қолган ушбу манзара энг олий неъмат – тинчлик туфайли эканини, Ватанимизнинг озод ва ободлигига ўз-ўзидан эришилмаганини ҳар доим ҳам ўйлаб кўравермаймиз.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, турли миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро тотувлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш борасида пухта ўйланган, одилона сиёсат самаралари бутун дунёда эътироф этилмоқда.

Бугун дунёнинг баъзи минтакаларида кечаётган мураккаб жараёнлар, турли зиддиятлар айрим мамлакатлар тараққиётини бир неча йиллар ортга суриб ташламоқда. Одамлар бошига қулфат, фарзандлар тақдирига раҳна солмоқда.

Нурунийларимиз дастурхон атрофида, тўй-маросимларда, аввало, эл-юртга тинчлик ва хотиржамлик, омонлик, оилаларга қут-баракат, ёшларга инсоф-диёнат, узоқ умр сўраб, дуога қўл очишда ҳам катта ҳикмат бор.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 9 май мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш кuni умумхалқ байрами сифатида, бугунги дорилон муҳайтимиз, суфасоф осмонимиз учун жон фидо қилган боболаримиз хотирасини ёдга олиш, нурунийларни эъзозлаш айёми тарзида кенг нишонланаётди. Бу ёшларни қомил

инсон этиб вояга етказишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бу йил «Жасорат, бурч, матонат» шиори остида нишонланган ушбу байрам арафасида навқирон авлодга тинчликнинг қадр-қиммати, мустақиллик ато этган улкан имкониётларнинг моҳиятини тушунтириш долзарб аҳамият касб этади. Қутлуг айём олдида таълим масканларида Тинчлик дарси ташкил этилиши замирида ҳам ана шу эзгу мақсад-муддаслар мўжассам.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ушбу дарсларни юқори савияда ташкил этиш учун тегишли режа ишлаб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шақллантирилган ишчи гуруҳи томонидан «Жасорат, бурч, матонат» номли услубий тавсия ҳамда Тинчлик дарси ишланмаси, машғулот учун махсус ўқув режа ва тавсиялар яратилмоқда. Дарслар Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа қатор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилиши, уларга уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, элда обрў топан, катта ҳаёт тажрибасига эга табарруқ отахон ва онахонлар, олимлар, адабиёт, маънавият, санъат, таълим фидойилари жалб этилиши машғулотларнинг янада сермазмун бўлишини таъминлайди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғонада касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• Самарқандда ёшларни соғлом эътиқод, ватанпарварлик ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, бузғунчи гоялар ва турли иллатлар таъсиридан ҳимоя

қилишга бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

• Термиз археология музейида музейлар бошқарувида ўқув дастурларини амалга ошириш масаласига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, «Ўзбекмузей» жамғармаси, Халқаро Амир Темур фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилоятида фаолият юритаётган музейлар раҳбар ва мутахассислари иштирок этди.

• Андижон вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилган сало-

матлик ҳафталиги доирасида аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғлом турмуш тарзи тарғиботи бўйича тадбирлар бўлиб ўтди. Мурувват, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, шунингдек, 90 ёшдан ошган нурунийлар, Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари хонадонларида тиббий кўриқлар уюштирилди.

ЖАҲОНДА

• Париж суди Nina Ricci модалар уйининг вориси Арлет Риччини молиявий жиноятлари учун бир йиллик қамок жазосига ҳукм этиб, 1 миллион евро миқдоридаги жаримага тортди. 4 миллион евро қийматли иккита уйини мусодара

қилди. Гап шундаки, машҳур дизайнернинг невараси Швейцариядаги банкларнинг биридаги ҳисобларда бир неча миллион евролик даромадни яширганликда ва солиқларни тўламаганликда айбдор деб топилган.

• Сьерра-Леонеда ишлаётган чоғида Эбола безгагини юқтирган АКШ фуқароси Вашингтондаги касалхонадан соғайиб чиқди. У 13 мартда Мэриленд штатидаги касалхонага оғир аҳволда ётқизилган эди. Шифокорларнинг сўзларига қараганда, даволаш курсини ўтаганидан сўнг ушбу бемор атрофдагилар учун хавфсиз ҳолга келган ва тўлалигича соғайган. Бу Эбола безгаги билан хасталанган ва АКШда даво олган ўн биринчи Америка фуқаросидир.

Мулоҳаза учун мавзу

Ёш авлод тарбиясига эътибор давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки ёшлар – келажакимиз. Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши айнан фарзандларимизни қай йўсинда тарбиялашимизга ҳар тарафлама боғлиқ. Асосий мақсадимиз: фарзандларимиз биздан кўра ақлли, билимли бўлиши, албатта, бахтли яшashi керак. Зотан, бугунги ёшларимиз ҳар соҳада улкан ютуқларга эришадиганликларини эътироф этамиз.

Ўз-ўзидан маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида келажак учун мутахассислар тайёрланади. Бизда ёшларни ҳар тарафлама етук фўқаро, яъни комил инсон қилиб вояга етказиш – бош масала. Бунинг учун эса уларни ҳам етук мутахассис, ҳам юксак маънавият эгаси сифатида тарбиялашимиз лозим.

Бу ҳақда Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарига шундай дейилади:

«...Ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тисмолида, аввало, шахсни кўриши керак. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади.

Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси».

Албатта, ёшлар – бизнинг таянчимиз, эртанги кунимиз. Улар келажакдан умидимиз, эзгу ишларимизнинг давомчилари. Шунинг учун ҳам давлатимиз таълим масаласига муҳим эътибор бериб келяпти. Бу соҳага ажратилаётган маблағлар миқдори ҳам мисли қўрилмаган даражада юқори. Хозирги пайтда давлат бюджетининг 60 фоиздан ортиғи ижтимоий соҳага ажратилган. Ижтимоий соҳанинг катта қисмини эса таълим тизими ташкил этади. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоизга яқини 18 ёшгача бўлган фўқаролардан иборат.

Болаларимиз 7 ёшдан мактабга чиқади. 9 йиллик умумий ўрта таълим мактабини тугатиб, академик лицей ёки касб-хунар коллежиде яна уч йил таълим олади. Мактабларнинг юқори синфлари ҳамда лицей ва коллежларда ўқийдиган болалар жисмоний-руҳий жиҳатдан мураккаб ўсмирлик даврини бошидан кечиради. Бу ҳар бир болада ҳар хил кечеди, албатта.

Халқимизда «Гуруч курмакисиз бўлмайди», «Ҳар тўқисда – бир айб», «Ёмон бузоқ подани бузади» ва бошқа қўллаб мақоллар бежиз дунёга келмаган. Шахримизнинг умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган айрим ёшлар ўртасида турли салбий ҳолатлар кузатилаётгани шу мақоллардаги ҳикматларни қайта-қайта эсимизга солаётгандек бўлади.

Бугун шахримизда вояга етмаганлар ҳаёти билан боғлиқ баъзи бир муаммолар юзгага келмоқда. Улар орасида уч масала жуда долзарб бўлиб турибди. **Биринчиси** – ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ўрчаб тургани. **Иккинчиси** – шахримизда интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи ҳўжалик субъектларининг фаолиятида баъзи маънавиятга зид ҳолатлар юз бераётгани. **Учинчиси** – Тошкент шаҳри кўчалари, бино ва иншоотларидеги реклама, эълон ва турли ахборотларни тартибга келтириш зарурати кўчагайи.

Шунинг учун ҳам ўтган ойларида шахар ҳокимининг ана шу уч ўта долзарб масалага қаратилган қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 5 февралда «Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 18 февралда «Тошкент шаҳрида интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи ҳўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 19 мартда «Тошкент шаҳри кўчалари, бино ва иншоотларидаги реклама, эълон ва турли ахборотларни тартибга келтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари чиқди.

Мантиқан олиб қараганда, бу уч ҳўжжатда кўтарилган масала бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Бу боғлиқликка асос бўладиган муҳим масала эса – **маънавият**. Биз маърифатли жамият барпо этилми. Комил инсонни тарбиялаш асосий гоғларимиздан бири ҳисобланади. Аммо бу мақсадларга ўз-ўзидан, осонликча эришилмайди.

Мазкур қарорларда шу масала юзасидан айнан нимагага чек қўйишимиз лозимлиги, нималар қилишимиз кераклиги аниқ-тиниқ кўрсатиб берилган. **Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарорда таъкидланганидек, шахримизда бу борада барча профилактик тадбирлар амалга ошириб келинапти. Лекин, шунга қарамадсан, айрим ёшлар, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик, ҳатто, жиноятлар содир этиш ҳолатлари ўрчаб турибди. Ёшларимиз ўртасида тарбияси оғир, дарсларга мунтазам қатнашмайдиган болалар ҳам йўқ эмас. Ҳамма нарса бекорчиликдан келиб чиқади. Ана шундай ўсмирлар ўртасида ўз ёнида инсон ҳаётига, унинг соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган турли буюмларни олиб юриш ҳолатлари ҳам ўрчамоқда. Бу эса кишиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу боис ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи ҳўжалик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш зарурати ҳам юзгага келди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган биринчи қарор шахримизда ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ва «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талабларига асосан, ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни янада қўчайтириш мақсадида қабул қилинган.

Ахир, бугун ўқувчи мактаб, лицей ёки коллежга ҳар хил бўлмағур нарсаларни олиб кирса, бундай ўткир тигли буюмлар зарарли ҳисобланса, бунинг олдини олиш керак-ку? «Кастет» ва «Бита» сўзлари ҳали, ҳатто, 80 минг сўзни қамраб олган 5 жылди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га ҳам кириб улгурмаган. Булар, аслида, махсус ўйинларни ўйнаш учун ясаладиган нарсалар. Лекин тарбияси оғир ёшларимизнинг улардан

инсон саломатлиғига зиён етказадиган восита сифатида фойдаланишига бефарқ қараб бўладими?

Маълумки, барча таълим муассасалари, жумладан, умумий ўрта таълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар коллежи директорининг бир ўринбосари айнан маънавий-маърифий ишларга масъул. Албатта, бу масала билан ҳамма шуғулланиши шарт. Лекин шу лавозимдагилар зиммасига айнан таълим муассасасида ўқийдиган ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларни етук шахс, комил инсон қилиб тарбиялаш вазифаси юклатилган. Модомики, шахримиздаги баъзи мактаб, лицей ва коллежларда шундай салбий ҳолатлар юз бераётган экан, ҳақли бир савол туғилади: директорларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг ўрни қаерда? Уларнинг барчаси ҳам ўз соҳаси бўйича етарли малакага эгами? Ёки таълим муассасасида ўз валолатига қирмайдиган ишлар билан банд бўлиб, вазифасини эсидан чиқаряптими? Демак, уларнинг фаолиятларини янада қўчайтириш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида мамлакатимизда маҳалла фўқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Бу вазифада катта ҳаётий тажриба ва салоҳиятга эга аёллар ишлаши белгилан қўйилди. Қарорларда кўтарилган маънавий масалаларга улар ҳам бевосита масъул.

Шу ўринда яна бир гап. Имом хатиб, домлаларимиз ҳам ёшлар тарбиясидек долзарб вазифа-

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК!

Зеро, бу эзгу ишга масъулият билан ёндошиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир

дан четда турмасликлар, ўз чиқишларида келажак авлод маънавиятини ошириш, уларни нотўғри йўллардан қайтариш масалаларига доимий эътибор қаратишлари лозим.

Бугун кунда амалда ҳар бир қорхона ва ташкилотда маънавий-маърифий ишлар албатта бирорта масъул ходим зиммасига юклатилади. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, мулкий ҳақдорлигидан қатъи назар, ҳар бир ташкилот ва қорхонада маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштиради.

Юқоридаги қарорда санаб ўтилган ашёвий нарсаларни таълим муассасасига олиб киришни тақиқлаш чораларини кўриш вазифаси қатъий қилиб қўйилган.

Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қандай касални даволагандан кўра унинг олдини олган маъқулроқ. Жойларда ҳафтасига камида бир марта маънавий-ахлоқий меъёрларни бузувчи, зуравонлик, шафқатсизлик, ҳаёсизлик, шунингдек, дин никоби остидаги сохта мафқурани тарғиб қилувчи, атрофдагиларни салбий ҳаракатларга ўндовчи материаллардан иборат бўлган, кўргазма, фон сифатида хизмат қилувчи расмлар, аудио- ва видео ёзувлар, чизма ва суратли тасвирлар, овозли видеороликлар намойиш қилиниши ва тарқатилишининг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш лозим.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар йиғилишларида ўқувчилардан тақиқланган буюмлар топилгани тўғрисидаги ҳўжжатлар фавуқлода ҳодиса сифатида мунтазам равишда танқидий ва кескин муҳокама қилиниши керак.

Шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига юқоридаги ҳолатлар юзасидан қонун бузилиши аниқланган тақдирда қонуний тасвир чораларини қўллаш таъминлаш вазифаси қўйилган.

Биз глобаллашув даврида яшаймиз. Ҳар қандай таёқнинг икки ўчи бўлгани каби, глобаллашувнинг ҳам яхши ва ёмон жиҳатлари бор. Ҳаётимизга дунёнинг ҳўқлаган бир бурчагидеги ижобий янгилик яшин тезлигида кириб келаётгани сингари, афсуски, бирон-бир жойда пайдо бўлган салбий нарса ҳам зудлик билан бизгача етиб оляпти.

Интернет тармоқлари ва компьютернинг ҳам ҳудди шундай икки томони бор. Бугунги тезкор тараққийётин интернет ёки компьютерсиз тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Ёшларимизнинг интернетдан фойдаланиши ва компьютерни ишлатишга қизиқиши, бу борадаги ўзгача салоҳияти, ушбу соҳаларни жуда тез ўзлаштириб олаётгани, бугун ўрта махсус ва олий таълим муассасаларини битириб чиқаётган ёшларимизнинг ақарияти бу жиҳатдан дунёнинг ҳеч бир мамлаката ёшларидан қолишмаётгани, шак-шубҳасиз, ҳаммамизни қувонтиради.

Бироқ, «Тошкент шаҳрида интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи ҳўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ҳам бежиз қабул қилингани йўқ. У ҳам, олдинги қарор каби, бевосита вояга етмаганлар тарбияси билан боғлиқ масалага қаратилган.

Бу қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги «Баркамол авлоднинг тарбиялашда оила институти ва фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, иккинчидан, шаҳардаги «Интернет-кафе» ва «Компьютер клублари»да миллий маънавиятимизга зид, жангарилик, шафқатсизлик ва ҳаёсизлиكنи тарғиб этувчи лавҳалар, суратлар, сайтлар, фильмлар зимдан қўйилгани, бу эса вояга етмаган ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиб, улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига асосий сабаблардан бири бўлаётгани, баъзи шундай муассасалар жойлашган бинолар санитария, ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва талабларига жавоб

бераётганини инобатга олган ва бундай ҳолатларни бартараф этиш юзасидан қабул қилинди.

Қарорда шахар Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Маънавият тарғибот марказининг шахар бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шахар Кенгаши, Ички ишлар бош бошқармасининг шахар ҳудудидаги интернет тармоқлари ва компьютер хизмати кўрсатувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш, бундай муассасаларда белгиланган қонун талаблари асосида иш юритилишини таъминлаш, дарс пайтида ва тунги вақтларда вояга етмаган ёшларнинг бундай муассасаларда бўлишига мутлақо чек қўйиш бўйича тақлифлари маъқулланди.

Биринчидан, бундай муассасалар, иш тартибига кўра, соат 21.00 гача фаолият кўрсатадиган бўлди.

Иккинчидан, бундай муассасаларга ўқувчиларнинг дарс пайтида ва кечки вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўринини босувчи шахснинг кузатувисиз киритилиши тақиқланади.

Учинчидан, муассаса компьютери хотирасида ва интернет тармоғида беҳаёлик, шафқатсизлик, диний экстремизм, маънавиятга зид мазмундаги диск, веб-сайт, фильм, ўйин, маълумот ва бошқа материаллар бўлиши ман этилади.

Тўртинчидан, интернет тармоғидан фойдаланиш хоналари ва компьютер ўйингоҳларида беҳаёлик, зуравонлик ёки шафқатсизлиكنи тарғиб қилувчи плакат, реклама ва бошқа воситалардан фойдаланиш мумкин эмас.

Бешинчидан, муассаса жойлашган бино санитария, ёнғин хавфсизлиги, электр тармоқларига уланishi ва улардан фойдаланиш қоидаларига тўлиқ жавоб бериши керак.

Тадбиркорлик – замон талаби. Ҳар қандай тадбиркор бирор-бир ишлаб чиқариш ёки хизмат орқали маблагини қўлайтиришни, яъни яхши даромад топишни кўзлайди, албатта. Бироқ фақат фойда кетидан қувиб, жамиятга зарар келтириш мумкин эмас. Ҳар қандай даромад қонуний бўлиши, у, аввало, эзгуликка хизмат қилиш орқасидан топилиши зарур. Шундагина у ҳалол бўлади.

Интернет экан, ундан фойда келар экан, деб, интернет кафега кимлар қалаётгани, ўқувчиларнинг айнан дарс пайтида сабоқ олиши зарур вақтда бу ердан бўлаётгани ва унинг қандай ўйинлар ўйнаётгани, қандай сайтларга қираётгани билан ҳеч қилинмиш иш бўлмаса, бундай бефарқлик ва лоқайдлик «оқибати жамият учун жуда қимматга тушиб турган гап.

Яқинда шахримиздаги жами 369 та интернет кафе ва компьютер клубларининг фаолияти ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра, 369 та интернет кафе ва компьютер клубларидан 12 тасининг соат 21.00 дан кейин фаолият юритаётганилиги ҳамда 7 та муассасада ҳамон жангари ўйинлар миқозларга ҳавола этилаётганилиги аниқланди. Шунингдек, соат 21.00 дан кейин ишлаётган муассасаларда аниқланган вояга етмаганлар сони 22 нафарни ташкил этди.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Миробод туманидаги «Инфинитайм» ва «Арена», «Прай тайм», Чилонзор туманидаги «Парламент», Сергели туманидаги «Фаворит технология» компьютер клубларининг соат 22.00 дан кейин ҳам фаолият кўрсатаётганилиги аниқланди.

Шунингдек, Олмазор туманидаги «Азия классик бизнес», «Сарбаҳт сервис», Шайхонтоҳур туманидаги ДТТ «Алиев Жаҳоҳир», Чилонзор туманидаги «Плестейшн», «Ватан», Юнусобод туманидаги «Интер свет сервис» ва «Эверласт интернет» компьютер клубларининг соат 21:30 да ҳам беамалол ишлаётгани қайд этилди.

– Интернет кафелар маҳалламиз ҳудудида ҳам мавжуд. Аммо кечки соат 21.00 дан кейин ҳам уларнинг ишлаб туриши ҳаммамизни безовта қилаётган эди. Энди кечаси соат 21.00 дан кейин уларнинг фаолият юритишн тўхтатгани айлн мудоао бўлди, – дейди Сергели туманидаги «Ерқин ҳаёт» маҳалласи фўқаролар йиғини раиси Комил Худойбердиев.

Бу масалага таълим муассасаларининг ҳам, ота-оналарнинг ҳам, кенг жамоатчиликнинг ҳам бефарқ қарашга ҳаққи йўқ. «Оммавий маданиятнинг биз билган-билмаган йўл-йўриқ, усул ва услуб билан кириб келаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Интернет кафеларнинг назоратсиз ҳолда фаолият юритиши эса айнан шунга хизмат қилиб қўйиш ҳеч гап эмас.

Интернет кафелар ўзига хос маънавият маскани бўлиши керак. Баъзиларига қирсангиз деворларига қараб бўлмайди. Бу яқин йилларда таъмирланмаган биноларда ҳам фаолият олиб бораётганларни учрайди. Рекламалар эскириб, унқиқ кетган. Баъзиларида давлат тилида бирорта эълон ёки реклама қўрмайсан ҳам. Улардаги айрим хатоларни-ку айтмасан ҳам бўлади.

Маънавият – кишиларда яхши фазилатларни шакллантириш орқали юксалади. Бироқ иллатларга қарши кураш ҳам маънавият эмасми?

Ҳаёт – жуда мураккаб. Инсон билан инсон ўртасида ҳам анча фарқ бор. Фарзандларимиз орасида шундайлар ҳам топиладиги, улар эрталаб ота-онасига: «Ўқишга кетдим», – деб уйдан чиқади. Лекин амалда таълим муассасасига бормайди. Интернет кафелар, бошқа кўнгилочар масканларда вақт ўтказилади. Қўча-қўйда қуни билан ҳўшта чалиб, халқ ибораси билан айтганда, текканга тегиб, тегмаганга тош отиб, ўзига ўхшаганлар билан санқиб юраверади. Борингки, бундан ота-она хабар топмайди, дейлик. Ахир, таълим муассасаси бугун кимлар дарсга келмаганини билади-ку. Шу бугунроқ уйга ҳабар берилмайдими? Чораси қўрилмайдими? Бу бола назоратга олинмайдими? Тартибга қақирилмайдими? Интернет-кафе мутасаддилари бунн биладими? Қандай билмасин? Айримларига даромад бўлса, бўлди.

Бундай ҳолатларга бефарқ қараш эртага тузати бўлмас маънавий муаммоларни келтириб чиқариши – аниқ. Шунинг учун вақтида чорасини қўрайлик. Кейин кеч бўлмасин.

Шундай лоқайд ота-оналар ҳам топиладиги, уларнинг наздида болаларга қийим-бош олиб берилса, уйда қозон яхши қайнаб турса, бўлди, бу ёни ўз-ўзидан кетаверади: болалар яхши униб-ўсади, етарли билим олади, етук шахс ва яхши мутахассис бўлиб шаклланаверади. Йўқ, бундай эмас-да. Ҳаётда қўриб турибсиз-ку. Фақат моддий таъминланганликнинг ўзигина маънавий етуқликка қағолат бўлаётгани йўқ.

Қарорда бу курашининг айнан қандай йўллар билан амалга оширилиши аниқ-тиниқ қилиб белгилан қўйилди. Бундай муассасалар фаолияти устидан жиддий назорат ўрнатиб, уларда тақиқланган материаллардан фойдаланишга чек қўйиш талаб этилади. **Интернет тармоқларида фойдаланиш хоналари ва компьютер ўйингоҳларини ёшлар тарбиясига оид тарғибот воситалари ва стендлар билан жиҳозлаш зарурлиги кўрсатилди.** Қонун ҳўжжатларида белгиланган тартибда компьютер залларида ҳавфсизлиكنи таъминлаш мақсадида видеокузатув камераларини ўрнатиш зарурлиги белгиланди. Интернет ва компьютер хоналарига ёнғин хавфсизлиги бўйича эвакуация чизма(схема)сини жойлаштириш шарт қилиб қўйилди.

Муассасада аҳоли тинчлигини бузувчи шовқинли ҳолатларнинг олдини олиш кераклиги ўқтирилди. Фойдаланувчи томонидан интернет тармоғи орқали бузғунчи, диний экстремистик ва террористик веб-сайтларга қирлиши, тақиқланган материалларнинг тарқатилиши, қабул қилиниши ва бошқа шубҳали ҳаракатлар аниқланган тақдирда зудлик билан ҳўқуқ-тартибот идораларини бундан хабардор қилиш керак бўлади. **Чунки айнан айрим интернет-кафелар фаолиятида юз бераётган салбий ҳодисалар шахримизда ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳўқуқбузарликларга бевосита ёки билвосита сабаб бўлаётгани бугун ҳеч қимга сир бўлмай қолди.**

Маънавиятга таҳдид – ўзлигимиз ва келажакимизга таҳдид. «Оммавий маданият» никоби остида ахлоқий бузуқлик ва зуравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоғларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, турли халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига бепасандлик, уларни қўришига қаратилган хатарили таҳдидлар ҳар қандай онгли ва маърифатли одамни ташвишга солмай қўймайди.

Вояга етмаганларнинг ярим кечасигага интернет-кафе ва компьютер хоналарда юришини қандай тушуниш мумкин?

Дарсга бормайдиган, бемаҳалда изғиб юрадиган айрим болаларнинг ота-оналари фарзандларидаги бу бетарбиялик белгиларини жамиятдан, аниқроғи, кўпроқ таълим муассасасидан кўрапти. Ҳолбуки, тарбиянинг боши – оилада. Улар бунн, аввало, ўзларидан кўрсин. Инсон, аввало, ота-онасидан тарбия олади.

Энди пойтахтимиз кўчалари, бино ва иншоотларидаги реклама, эълон ва турли ахборотларни жойлаштириш масаласини олайлик. Аввало, шунн айтиш керакки, шахримизда бундай матнлар жойлаштирилмаган кўча, бино ёки иншоот йўқ ҳисоб. Қолаверса, шахримиздаги реклама, эълон ва турли ахборотларни тартибга келтириш учун қўшимча чора-тадбирлар қўришга тўғри келяпти. Чунки шахар кўчалари, хиёбонлари, бино ва иншоотлари, ёритиш устунлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлаштирилмаётган айрим реклама, эълон, ёзув ва турли ахборотлар матнларида қўндан-қўп имловий хатолар мавжуд. Баъзи матнлардан иккиламчи, бошқача айтганда, аслида, кўзда тутилмаган, ҳаттоки, маънавиятимизга тамоман зид маънолар келиб чиқяпти. Шу тариқа Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги, «Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги қонунларида белгилан қўйилган баъзи тартиб-қоида ва талаблар бузиляпти.

Шунинг учун ҳам «Тошкент шаҳри кўчалари, бино ва иншоотларидаги реклама, эълон ва турли ахборотларни тартибга келтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорда шахар Маънавият ва маърифат Кенгаши аъзоларининг шахар кўчаларидаги бино ва иншоотларнинг фасад қисми ҳамда ёритиш устунларига жойлаштирилган ҳўсусий эълон, реклама ва турли ахборотларни тартибга келтириш, улардаги ёзувларни тўғрилаш, маънавиятга зид бўлган қўринишларни бартараф этиш юзасидан билдирган тақлифлари маъқулланди.

Шаҳарда реклама, эълон ва бошқа ахборотларни жойлаштириш маданияти замонавий юксак талабларга жавоб бериши шарт. **Ташқи реклама, эълон ва ахборотларни маданий мерос объектлари, ташқи ёритиш устунлари, йўл белгилари ва светофорларда, уларнинг тиргақларида ёки ҳаракатни тартибга солиб турувчи бошқа ҳар қандай қўрилмада жойлаштириш ёҳуд реклама, эълон ва ахборот учун дов-дарактларни пайхон қилиш, туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузишга асло йўл қўйиб бўлмайди.**

Ҳар қандай қарор – ижроси билан қадрли ва аҳамиятли бўлади. Мазкур уч қарор ижросини таъминлаш эса фақат мутасадди ташкилотларнинг вазифасигина эмас. Бу уч долзарб масала бўйича амалда шахримизнинг ҳар бир фўқароси иштироки билангина кутилган ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Шунн алоҳида таъкидлаш керакки, юқоридаги қарорлар бир-бири билан узвий боғлиқ. Улар мантиқан ҳар бир ота-онани ҳўшёрликка қорлайди, зиммасига бола тарбияси учун масъулиятли бўлиш вазифасини юкллайди.

Таълим муассасалари ва маҳаллаларда, аҳолининг кенг қатламлари, ҳўсусан, вояга етмаганлар, ёшлар ҳамда ота-оналар ўртасида мазкур қарорлар мазмун-моҳиятини, уларда белгиланган талаблар аҳамиятини мунтазам тушунириш бундай вазифаларни амалга ошириш ишига катта ёрдам беради.

Энг муҳими, ушбу қарорларда ўртага қўйилган ўта жиддий масалаларга маҳалла-қўй, бутун жамоатчилик диққатини қаратмоқ керак.

Қўриниб турибдики, бундай хатти-ҳаракатлар, ушбу қонунности ҳўжжатларини қабул қилиш замирида эзгу мақсадлар ётибди. Бу эзгу мақсадлар эса мамлакатимиз, жумладан, аҳолининг маънавий-маърифий ва маданий даражасини янада юксалтиришни кўзда тутди.

Бугун фўқароларимиз яхши биладики, Юртбо

Болалар спорти

ЮКСАК ЧЎҚҚИЛАР
САРИ

Аъзамжон пойтахтимизнинг Яшнобод тумани Тарновбоши маҳалласидаги 35-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс тўғрисида қатнайдиган У жорий йилда Хоразм вилоятида ўтайдиган «Умид ниҳоллари – 2015» спорт ўйинларига пухта тайёргарлик кўрмоқда.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг мамлакат босқичига йўланма олдим, — дейди Аъзамжон Муҳаммаджонов. — Мураббийим Алишер Бобоҳўжаев билан машғуллар ўтказмоқдамиз. Мақсадим — ушбу мусобақанинг финал босқичида ҳам қолиб бўлиш.

Мамлакатимизда ёш иқтидор эгаларини қўллаб-қувватлаш, маҳоратли спортчилар ва малакали мураббийларни тайёрлаш, терма жамоалар заҳирасини бойитишда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг ҳиссаси катта. Яшнобод туманидаги 35-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби шундай масканлардан.

2013 йилда маъмур спорт мактабига 200 нафар ўғил-қиз шугулланишни бошлаган бўлса, айни кунда улар 700 нафардан ошди. Бу Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни спортга жалб этиш, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, истеъдодли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор самарасидир.

Мактаб 2010 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан капитал реконструкция қилинди. Бокс ринги, сув ҳавзалари, ювиниш, тиббиёт хоналари тубдан таъмирланиб, спорт жиҳозлари, тренажёрлар билан таъминланган.

Тарбияланувчилар дарсдан сўнг ҳар кун футбол, сузиш, бадий гимнастика, триатлон, бокс, ўзбек жанг санъати каби спорт турлари билан малакали мураббийлар қўл остида шугулланмоқда.

— Мактабимизда ёшларнинг спорт турлари билан шугул-

ниши учун барча зарур шароит яратилган, — дейди мактаб директори Ботир Зокиров. — Жорий йилда тарбияланувчиларимиз ўзбек жанг санъати ва сузиш бўйича мамлакат чемпионатларида қолиб бўлди. Сузиш ва бокс бўйича «Умид ниҳоллари – 2015» мусобақаси саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этди. Жумладан, бокс секцияси тарбияланувчилари Жаҳонгир Эргашев, Абдулла Комилжонов, Хусниддин Одилов, Аъзамжон Муҳаммаджонов, Нодир Анваров, Жасур Комилов мусобақанинг якуний босқичига йўланма олди. Сузиш бўйича Малика Раҳимова, Александр Чирков ва Вячеслав Руднев ҳам маъмур спорт байрами финалида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Мактабнинг ўзбек жанг санъати секцияси тарбияланувчилари мамлакат чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаб, терма жамоаларга жалб этилмоқда. Достон Йўлдошев, Мафтуна Худоёрова, Аҳмад Турдиохунов, Севинч Сафарова каби ёш спортчилар эришган ютуқлар бунга мисолдир.

Спорт ёшларнинг иродали, қатъиятли, олдига қўйган мақсади сари интилувчан бўлиб вояга етишига хизмат қилади, — дейди ёш спортчи Д.Йўлдошев. — Шу боис оиламизда спортга қизиқиш катта. Юртимизда ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши, иқтидор ва салоҳиятини юзга чиқариши учун имкониятлар кенг. Ният, бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, нуфузли мусобақаларда қолиб бўлиш.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎзА мухбири



2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

БАҲОР НЕЪМАТЛАРИ

Йўл чеккасида бўй чўзган гиёҳларнинг фойдасию хусусиятлари нимадан иборат экани ҳақида кўпинча уйлаб ҳам кўрмаймиз. Масалан, офтобранг қоқи ўт уйқусаллик, атеросклероз каби хасталикларни даволашда қўл келса, исмаилоқ дамламаси камқонлик, томоқ, ўпка, асаб касалликларига даво саналади... Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобида келтирилган бу каби маълумотлар ҳозир ҳам замонавий тиббиётда кенг қўлланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон давлат табиат музейи билан ҳамкорликда Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб ташкил этилган «Баҳор неъматлари» номли кўргазма ҳам юртимизда ўсувчи ўсимликлар, уларнинг ши-фобахш хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазманинг очилишида мамлакатимизда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш бора-сида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида навқирон авлоднинг она табиятга бўлган меҳрини ошириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

350 мингдан ортиқ экспонат сақланаётган Ўзбекистон давлат табиат музейи ўқувчи-ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, она табиятга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, унинг неъматларидан оқилона фойдаланишга ундаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бунда малакали биолог, эколог каби мутахассислар билан бирга катта тажрибага эга, элда обрў-эътибор топган отахон ва онахонлар иштирокида ташкил этилаётган учрашувлар, маърифий тадбирлар қўлланган самараларни бермоқда.

— Юртимизда ўсувчи кўплаб гиёҳларнинг ши-фобахш хусусиятлари илмий изланишларда, тиббиёт, фармакология, озиқ-овқат саноати ва бошқа турли соҳаларда самарали қўлланилади, — дейди музейнинг катта илмий ходими Феруза Ақром-хўжаева. — Бироқ табиат неъматларидан бесамар фойдаланиш, ер, сув ресурсларини ифлослантириш ўсимлик дунёсига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Ушбу кўргазмадан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг табиятга, ўсимлик дунёсига эҳтиёткорона муносабатини шакллантиришдан иборат.

Кўргазмада ши-фобахш ўсимликлардан намуналар, табиат манзаралари акс эттирилган фотосуратлар ёш табиатсеварлар эътиборига ҳавола этилди. Ёши улуг онахонлар баҳорий қўқатлар, улардан тайёрланувчи таомларнинг фойдали хусусиятлари ҳақида ёшларга афғонча тўшунча берди.

Бу каби кўргазмалар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ўлкашунослик музейларида ҳам ташкил этилмоқда.

(ЎзА)

Сарвар Ўрмонов олган сурат

Танловлар

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР
МАҲОРАТЛАРИНИ
КЎРСАТИШДИ

Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказида «Миллий рақслар» ва «Зарб — 2015» ёш доирачилар Республика кўрик-танловининг саралаш босқичи ўтказилди.

Танловда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар босқичи қолиб жамоалари ва «Баркамол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт маркази жамоалари иштирок этди.

— Ушбу танлов ёшларнинг санъатга, гўзалликка бўлган қизиқишини янада ошириш, миллий рақс ва доира санъати бўйича иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш ҳамда ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилди, — дейди Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказининг оммавий-маданий ишлар ташкилотчиси Гулбаҳор Қобилова. — Шунингдек, танлов иқтидорли ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳамда тарихий анъаналаримизга, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кенг қамровли ишларни ҳам қамраб олади. Ёнг асосийси эса ёш истеъдод эгаларини аниқлаб беради.

Ҳақамлар ҳайъати аъзолари рақс жамоалари томонидан ижро этилган ҳар бир чиқишларни баҳолаб боришда ижро маҳорати, дастурнинг мазмуни, бадий савияси, жамоа аъзоларининг саҳнада ўзини тутиш маҳорати ва либосларнинг уйғунлигига эътибор қаратилади.

Кўрик-танловда «Баркамол авлод» Республика болалар бадий ижодиёт маркази ўқувчилари «Миллий рақслар» ва «Зарб — 2015» йўналишида фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритишди.

Шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази ўқувчилари эса ҳар иккала йўналишда учинчи ўринга сазовор бўлишди.

— Бу танловда иштирок этишнинг ўзи мен учун катта шараф, — дейди шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази «Зарб» ансамблининг аъзоси Элзот Нигматжонов. — Чунки бунда тенгқўларимнинг ҳар бир чиқиши, ижро маҳорати мен учун ўрганиш, ўз устимда ишлаш, ҳаттоларимни англаб олиш имконини берибди. Танловда фахрли ўринга сазовор бўлишим эса ўзимга бўлган ишончمنى янада мустаҳкамлади. Шу билан бирга жуда кўплаб дўстлар орттирдим.

Танлов сўнгда қолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Рақс ва доира йўналишлари бўйича биринчи ўринга сазовор бўлган ўқувчилар кўрик-танловнинг Республика босқичига йўлангани қўлга киритдилар.

Гулчехра ДҲРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАХРИМИЗ АХОЛИСИ ДИҚКАТИГА!

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб, унга қўра жисмоний ҳамда юридик шахсларга қўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун

Odnookno.uz

Интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Белгиланган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш қимфоя бўлиб, ушбу аризани қўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ваколатли орган — «Ерgeo-декадастр» давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда аҳолига қулай, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

Юнусобод туман Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 30.01.2012 йилда 007285-10-реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 2А-ўй манзилида жойлашган «PHARM TECHNO GROUP» МЧЖ (СТПР: 207141660) таъсисчиларнинг 13.04.2015 йилдаги корхона итхтирий тугатиш тўғрисида 1-сонли қарорига мувофиқ тугатилаётганини маълум қилинади.



ЎЗГИДРОМЕТ

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 16 апрель кунини ҳаво ўза-риб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секун-дига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-часи — 8-10, кундузи — 19-

21 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига қўра,

16 апрель ва 17 апрель

эрталаб Тошкент шаҳри-ниги об-ҳаво шартини шаҳар

ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тар-қалиб кетишига имконият

яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Таълим

МУАЛЛИМЛАРГА
ТАВСИЯЛАР

Олмасор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташаббус билан тумандаги мактабларнинг инглиз тили ўқитувчилари иштирокида инглиз тилини ўқитишнинг долзарб масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда мамлакатимизнинг ҳар бир жабҳада янада ривожланишида келажакимиз ворислари бўлмиш ёшларимизнинг билимли, зукко ҳолда камол топишлари, уларни чет тилларини, хусусан инглиз тилини мукамал ўзлаштиришлари зарур эканлиги яна бир бор эътироф этилди.

Мутахассислар ёшларнинг инглиз тилини пухта ўрганишлари учун замонавий педагогик технологиялардан, интернет ресурсларидан унумли фойдаланишлари мақсадга мувофиқ бўлишига алоҳида эътибор қаратишди. Бунинг учун ўқитувчиларнинг ўзлари билимли, малакали бўлишлари, инглиз тилини ўқитишдаги энг сўнгги янгиликлардан, ўқув қўлланмалари ва дарсликларидан бохабар бўлишлари талаб этилади.

Тадбир якунида бу борадаги ва-зифалар режаси белгилаб олинди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Саноатда муҳим аҳамият касб этувчи қора ва рангли металл эҳтиёж юқори. Шу сабабли, бундай металлнинг парчалари ва чиқиндисини ҳам ўз қийматини йўқотмайди.

Божхона органлари ўз ваколати доирасида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш — техника буюмлари парчалари ва рангли металл чиқиндиларининг республикамиз ҳудудидан ноқонуний олиб ўтилиши ва айланмасининг олдини олиш, мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, қимматли хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 1997 йил 10 октябрь ҳафтада қабул қилинган «Қора ва рангли металл парчалари ва чиқиндиларини Ўзбекистон Республикасида ташқарига олиб чиқиш ва экспорт қилишни тақиқлаш» қарори билан таъсирчан тартибларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қора металл парчалари бўйича «Ўзметкомбинат» акционерлик-ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Иккилам-чиқораметалл» хўжалик ҳисобидаги бошқармаси,

рангли металл парчалари бўйича эса «Тошкент рангли металл парчалари, чиқиндиларини қайта ишлаш заводи» очик акциядорлик жамияти ваколатли тайёрловчилар ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18

Божхона

САМАРАЛИ ЧОРА-
ТАДБИРЛАР АМАЛГА
ОШИРИЛМОҚДА

июлдаги қарорига биноан, таркибда рангли металл бўлган механизм ва агрегатларни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик фактлари, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширишга тайёрлаш, уларни мамлакат ташқарисига ноқонуний олиб чиқиш кетиш ҳолатларини қўрсатиб ўтилган.

Шунга қарамай, таркибда рангли металл бўлган механизм ва агрегатларни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик фактлари, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширишга тайёрлаш, улар-

ни мамлакат ташқарисига ноқонуний олиб чиқиш кетиш ҳолатлари учраб турибди.

Жумладан, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ходимлари республикамиздан олиб чиқиш учун «гам-лаб» қўйилган рангли ме-

талл парчалари «омбор»ларини фот қилишди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликдаги текширувлар чоғида Учтепа туманида ис-тикомат қилувчи фуқаролар Х.Саидов (мақоладаги бар-ча исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳамда С.Солиевга тегишли гаражлар белги-ланган тартибда қўриқдан ўтказилганида, рангли ме-таллларни сақлаш ва қабул қилиб олиш учун белгилан-ган тартибда давлат корхо-налари рўйхатидан ўтганли-гини тасдиқловчи ҳужжатла-ри бўлмаган умумий оғир-лиги салкам 4 тонна бўлган ҳар хил турдаги мис, ни-

талл парчалари «омбор»ларини фот қилишди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликдаги текширувлар чоғида Учтепа туманида ис-тикомат қилувчи фуқаролар Х.Саидов (мақоладаги бар-ча исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳамда С.Солиевга тегишли гаражлар белги-ланган тартибда қўриқдан ўтказилганида, рангли ме-таллларни сақлаш ва қабул қилиб олиш учун белгилан-ган тартибда давлат корхо-налари рўйхатидан ўтганли-гини тасдиқловчи ҳужжатла-ри бўлмаган умумий оғир-лиги салкам 4 тонна бўлган ҳар хил турдаги мис, ни-

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электроник манзил:
gazeta-vto@mail.ru

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.
11431 нускада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30

1 2 3 4 5